

ХАЛҚ ДАРДИНИНГ ДАВОСИ МАШРАБ

Наманган вилоят тарихи ва маданияти Давлат музейи

Адабиёт бўлими мудир: **Н.Мўминова.**

Машраб Ўзбек ва бошқа туркийзабон халқлар адабиётида ўзининг оташнафас, халқчил шеърлари билан кенг шуҳрат топган мумтоз ўзбек адабиётининг улуғ намояндаларидан бири Бобораҳим Мулла Вали ўғли Машрабдир. Машраб тахаллуси билан ёзилган унинг содда ва равон тилда ҳамда исёнкор рухдаги асарларини ўқиган ё эшитган шеър шайдоси дарҳол уларни ёдда сақлаб қолишга ҳаракат қилади. Шоирнинг жозибадор шеърлари билан айтиладиган қўшиқлари тингловчининг кўнгил мулкидан мустаҳкам ўрин олади. Машрабнинг саргузаштларга бой ҳаёт йўли, маълум даражада зиддиятлардан ҳоли бўлмаган ижодий фаолияти у ҳаётлик давридаёқ турли тарих ва тазкиралардан ўрин олиб, китобхон ва тадқиқотчиларни ҳамон мафтун этиб келмоқда. Бобораҳим Машраб ҳақидаги дастлабки ёзма маълумот унинг замондоши — самарқандлик олим ва мударрис Бадехо Малехо томонидан тузилган «Музаккир ул-асҳоб» («Сухбатдошлар тазкираси») номли асарда учрайди. Шунингдек, ўтмишда бирин-кетин юзага келган Зиёвутдин Боғистонийнинг «Тазкирайи қаландарон», Абдулмуталлибхўжанинг «Мажмуайи Фаҳмий», Ҳакимхонтўранинг «Мунтахаб ут-таворих» («Сайланма тарихлар»), Мирзо Олим Мушрифнинг «Ансобус-салотин ва таворихи хавоқайин» («Султонлар насл-насаби ва ҳоконлар тарихи»), Мажзуб Намонгонийнинг «Тазкиратул авлиё» каби қўлёзма, тошбосма китоблари орқали бизгача етиб келган қатор асарларда шоир Машраб ҳақидаги озми-кўпми маълумотлар учрайди. Инқилобгача ва ундан кейинги вақтларда Н.И.Веселовский, Пантусов, Х.С.Ликошин, В.Л.Вятыкин, И.Аҳмедов, И.Султонов, П.Шамсиев, Карцев, Ғафур Ғулом, А.Ҳайитметов, А.Абдуғафуров, М.Зокиров, Э.Шодиев, И.Абдуллаев, О.Носиров ва бошқа олимлар Машраб асарларини топиш, уларни ўрганиш, нашр этиш ва биографиясини тадқиқ қилиш борасида Мабдаи нур. Бобораҳим Машраб www.ziyouz.com кутубхонаси 2 маълум ютуқларни қўлга киритдилар. Юқоридаги манбалар асосида шоир таржима

ҳолини қисқа қуйидагича баён қилиш мумкин. Бўлажак оташнафас шоир Машраб қўл кучи билан бўз тўқиб, шу орқали тирикчилик қилувчи Мулла Вали ва Биби Салималар оиласида 1640 йилда Наманган шаҳрининг Маддоҳон гузарида таваллуд топган. Машраб кейинчалик ёзган ғазалларида ўзининг наманганлик эканлигига ишора қилиб, қатор қуйидагича таржимаи ҳолга оид мазмундаги мисраларни ёзиб қолдирган. Чунончи: Ғазна, Наманган ичида юрди Раҳимбобо сўраб, Топмади бир ҳодисни, толиби раҳбар ўзум. На малакман, на фаришта, мен ҳам одам наслидин, Мен таваллуди ўшал фарзанди Намонгонийман. Наманган шаҳридин кетсам, мени йўқлар кишим борму, Ғариблик шаҳрида юрсам мени йўқлар кишим борму, ва бошқа яна қатор мисолларни келтириш мумкин. Ёш Раҳимбобо маҳаллий домла қўлида илк сабоқни олгач, илм-маърифатда Наманганда донг таратган Мулло Бозор охунд қўлида таълим-тарбия кўради, шу даврдан ижодий ишга киришиб, Умам, Маҳдий, кўпроқ Машраб таҳаллуслари билан ўзбек ва форс-тожик тилларида шеърӣ асарларни ярата бошлайди. Сўнгра устози мулла Бозор охунд маслаҳати билан Намангандан Қашқарга бориб, ўз даврининг нуфузли уламоларидан Офокхўжа эшон даргоҳида «бир пўстинни етти йил кийиб» хизмат қилиб, билим олганлиги маълум. Машрабнинг шахсий-оилавий ҳаёти ҳақида фикр юритганда, манбалар унинг уйланмай ўтганлигини қайд этганлигини кўрсатиб ўтиш керак. Бу ҳақда 1911 йилда Ўрта Осиё археологлари илмий жамиятида қилган маърузасида Пантусов юқоридаги масала бўйича ўз мулоҳазаларини баён қилган. Шу манбада таъкидланишча, Машраб уйланмаган, ундан зурриёд қолмаган, аммо унинг синглисидан Нормухаммадхўжа ва Иноғомхўжа исмли икки ўғил фарзанд қолганлигини маълум қилган. Машраб ўз ғазалларида ёзишича, «кўҳ-бакўҳ, саҳрома саҳро кезиб» кўпгина ўлка-юртлар, шаҳар-қишлоқларни қаландарларга бош бўлиб кезиб чиққан. У Қашқарда Офокхўжа ҳузурида қаттиқ тан жазоси, яъни: «эрлик иқтидоридан» маҳрум қилиниб, бу даргоҳдан қувилгач, у дастлаб онасининг зиёратига келиб, сўнг Андижон, Ўш, Хўжанд, Тошкент, Сайрам, Туркистон, Бухоро каби қатор катта-кичик шаҳар, туманларда бўлиб Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд каби азиз зотларнинг қадамжоларини зиёрат қилиб, Маккага бормоқчи

бўлади. Аммо негадир: Ёрсиз ҳам бодасиз Маккага бормоқ не керак, Иброҳимдан қолган ул эски дўконни на қилай? Ураинму бошима саккиз биҳишту дўзахин, Бўлмаса васли манга, икки жаҳонни на қилай? деб сафар йўлини Балх томонга буради ва у ерда баъзи «беадабликлар» содир қилгани учун юрт ҳукмдори Маҳмудбий Қатағон томонидан 1711 йилда дорга осиб ўлдиришга фармон берилади. Машраб қўлларини боғлаб ўлимга олиб кетмоқчи бўлган жаллодларга мардона боқиб, шундай дейди:

Чун кўлим бирла оёғим боғламоқ ҳожат эмас,

Ман ўлимга розиман чун турғали тоқат эмас.

Мунча шиддат бирла бошим кесгали зўр айлама,

Баски одам қони тўкмак санга ҳам тоат эмас.

Чун муборак бўлсун, эй Машраб, қизил қонинг сени,

Хўб иш бўлди сенга жон берганинг офат эмас.

Машрабнинг адабий меросида асосан ғазал, мухаммас, мураббаъ каби шеърӣ жанрлар кўп учрайди. Адабиётшунос Фитратиинг ёзишича, ўзбек адабиёти тарихида Машраб мустазод жанрида энг кўп ижод қилган шоирларнинг биридир. Шунингдек, Имом Ғаззолийнинг «Қимёи саодат», Жалолиддин Румийнинг «Маснавийи маънавий» асарлари «Қимё» ва «Мабдаий нур» («Нурнинг келиб чиқиш жойи») номлари билан Бобораҳим Машраб томонидан ўзбек тилига ўгирилган. Шоирнинг адабий мероси турли йилларда хрестоматия, ўқув қўлланмалари, алоҳида нашрлар орқали нашр қилиниб келинаётган бўлса-да, маълум сабабларга кўра, унинг «Қимёи саодат» ва «Мабдаий нур» номли йирик ҳажмли асарлари ҳануз китобхонлар мулкига айланиганича йўқ. Бунинг сабабларидан бири уларнинг аввало диний руҳ билан суғорилганлиги бўлса, иккинчидан айрим олимлар бу асарларнинг муаллифи Бобораҳим Машраб эканлигига шубҳа билан қараб келдилар. Бу шубҳали фикрни илк бор рус археолог-тадқиқотчиларидан В.Вяткин Машрабнинг асарларига

эмас, ҳатто унинг тарихий шахс эканлигига ҳам шубҳа билдириб, профессор А. Э. Шмидт шарафига шогирдлари томонидан бағишланган илмий тўпламга киритган «Фарғоналик мистик шоир — девонаи Машраб» номли мақоласида шундай мулоҳазаларни ёзган: «XVII ва XVIII аср бошларидаги Фарғона тарихида мистик Машрабнинг оригинал фигураси кўзга ташланади. Афсуски, унинг таржимаи ҳоли мутлақо номаълум. Шу даврларга оид ва бошқа хил мусулмон манбалари унинг таржимаи ҳолини ёритиш у ёқда турсин, ҳатто у ҳақда мутлақо маълумот бермайди. Бу ҳол Машраб тарихий шахс эмас, балки афсонавий сиймо, у ҳақдаги қисса бир уйдирмадан иборатдир», деган. В. Вяткиннинг бундай шубҳали қарашлари профессор Фитрат томонидан далиллар билан кескин рад этилади. Чунончи, Фитрат Машраб ҳақида маълумот берувчи XVII—XVIII асрларда ёзилган «Музаккирул-асҳоб», «Мажмуани Фаҳмий, «Мунтаҳабут-таворих» каби бир неча манбаларни далил сифатида келтиради. В. Вяткин «Мабдайи нур» Бобораҳим Машрабники эмас, бошқа бир муаллифники бўлса керак, деб тахмин қилади. Фитрат бу даъвони ҳам мисоллар билан рад этади. Фитрат «Мабдайи нур» номли машҳур асарни Машраб Офокхўжанинг таклифи билан шу даргоҳда туркий-ўзбек тилига форсийдан ўтирганлигини «Мабдайи нур»дан олинган қуйидаги мисралар билан исботлашга ҳаракат қилган. Фитрат қуйидаги мисраларни келтиради: Етушти Машраб ўшал кун «Мабдайи нур»га Валийи Хўжайи Офок шохни ҳимматидандур, деса, биз шунга яқин фикрни «Мабдайи нур»дан кўплаб келтиришимиз мумкин. Чунончи: Нидо келди, эй Машраб талабдин узма умидинг, Очилди «Мабдайи нур»и ҳақиқат нуктадонийман. Мабдайи нур. Бобораҳим Машраб www.ziyouz.com кутубхонаси 4 Афсуски, йигирманчи йилларда бошланган бундай мунозарали, чалкаш фикрлар кейинги йилларда яратилган Гафур Гуломнинг «Икки Машраб», В.Абдуллаевнинг «Ўзбек адабиёти тарихи» каби мақола ва дарслик асарларида давом этиб, ҳатто унинг айрим муҳаммаслари ҳам шубҳа остига олинди. Бундай фикрни олға сурувчи муаллифлар юқорида тилга олинган В.Вяткин, А.Фитрат мақолаларига ўз муносабатларини билдирмасдан, қатъий ҳукм чиқариб, «Мабдайи нур» каби асарлар Машраби Соний таҳаллусли муаллифга тегишли бўлиб, уларни Бобораҳим Машраб

қаламига мансуб дейиш иснод дейиш даражасига бориб етдилар. («Икки Машраб», «Қизил Ўзбекистон» газетаси, 1959 йил, 12 июл.) Бундай мунозарали қарашларга Беруний мукофоти совриндори, профессор И.Абдуллаев, таниқли машрабшунос олим, филология фанлари номзоди Мухсин Зокировлар сўнгги йилларда ёзилган мақолаларида ишончли далиллар орқали жавоб бериб, «Мабдайи нур» ва «Кимё» асарлари ҳеч шубҳасиз Бобораҳим Машраб қаламига мансубдур, деган фикрни исбот этдилар. Бинобарин, эндиликда мазкур асарларни нашр этиш, тадқиқ қилиш вақти етди. Улардаги фалсафий-ахлоқий қарашлар бугунги кун китобхонларини маънавий камолот сари юксалтиришда муҳим манбалардан бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир. «Мабдайи-нур» асари ҳақида илк мулоҳаза юритган адабиётшунос М. Зокиров шундай фикрларни баён қилади: «Мабдайи нур» асосан Жалолиддин Румийнинг «Маснавий»си таъсирида ёзилган. «Мабдайи нур» қуйидаги тартибда битилган: асарнинг бошланиш қисмида Жалолиддин Румийнинг «Маснавий»сидан илк байт олинган ва шу илк байт шарҳи сифатида кириш қисми ёзилган. Бундан кейин шу «Маснавий»дан турли байтларни сайлаб олиб ҳар бир қисмнинг бошланмасига битилиб, ундан кейин Машрабнинг ўзи шу байтларнинг шарҳи сифатида турли диний-афсонавий, ахлоқий ҳикоятларни берган. «Мабдайи нур» 176 та диний, афсонавий, ахлоқий ҳикоятлардан, 30 та таълимий парча, 35 та ғазал, 2 та ўзбекча, 1 та арабча мустазоддан иборат.» Мазкур, маснавий усулида битилган «Мабдайи нур» ўз характери билан Саъдийнинг «Бўстон», Алишер Навоийнинг «Ҳайратул-аброр»ларидагидек фалсафий-ахлоқий йўналиш мазмунида. «Мабдайи нур» Жалолиддин Румийнинг «Маснавийи маънавий» асаридаги машҳур:

Бишнаваз аз най чун ҳикоят мекунад,

Ва аз жудойиҳо шикоят мекунад мисрали байтини эркин таржима шарҳий баёнини беришдан бошлайди. Чунончи, юқоридаги байт баҳонасида: Англағил най не ҳикоятлар қилур, Ким жудолиғдин шикоятлар қилур, Най вужуди орифий биллохдур, Чикса найдин ҳар садо доно билур, Ҳар замон найдин чиқур савту садо, Бас қулоқ солсанг бариси бир нидо. Хайру шарни он қадар таҳқиқ қил, Эй

Аминиддин мани пандимни бил. Саргарон айлар сани кибру ғурур, Гарчи мунда билмасанг марг билдирур. Мабдайи нур. Бобораҳим Машраб www.ziyouz.com кутубхонаси 5 «Мабдайи нур»даги дастлабки ушбу мисраларда Бобораҳим Машраб ўзининг фалсафий тасаввуфона қарашларини ифодалаб, инсон билан яратувчи Оллоҳнинг асли бир воҳид, лекин инсон вужуди бир най бўлиб, унга жон яширинган. Ўз аслидан ажраган рух — жон яна ўша вужуди мутлақ билан бирлашиш, васлига восил бўлиш шавқида найдан нолакор садолар чиқади. Муаллиф фикрни давом эттириб, бизга номаълум Аминиддинга насиҳат қилиб, хайру шарни таҳқиқ қилишга даъват қилади. Шунингдек, инсон беш кунлик ёруғ дунёдаги умрида кибру ғурурга берилмаслигини уқтиради. Асарда бундай ахлоқий-фалсафий қарашлар кўплаб учрайди. Бу хилдаги фикрлар асар таркибига сингдириб юборилган ғазал-мустазодлардаги мисраларда ҳам ёрқин кўзга ташланади. Жумладан қуйидаги: Сақардин ҳам батардур марди ноқобил била юрмоқ, Агар мард топмасанг, лозим эрур узлатда ўлтурмоқ. Яъни, сафарда, ҳаётда ноқобил одам билан ҳамроҳ бўлиш дўзахдан ҳам каттиқ азоб берувчи сақарга дучор бўлмоқ билан баробар. Агар яхши, мард инсон топилмаса, узлатда ўлтирмоқ афзал, дейди. Бир қатор ғазалларида кибру ҳаволи — такаббур кишилар қораланади. Чунончи:

Такаббур аҳлиға зинҳор салом алик демай ўтгил,

Аларни бошича бу деви малъунни ҳавоси бир.

Бу хилдаги мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Уларни Машраб турли ўхшатиш, талмиҳ, тазод каби қатор бадий тасвирий воситалар билан беаган. Ушбу ғазал, мустазодларни ўқиган китобхон, улардан маънавий озиқ олиш билан бирга юксак бадий завқ ҳам олади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдурауф Фитрат . Танланган асарлар. Т.: Маънавият. 2000. 2 – том.
2. Халилбеков Алихон . Наманган адабий гулшани. Наманган, “Наманган”, 2007.

3. Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ. Бобораҳим Машраб ва унинг “асари // Бобораҳим Машраб. Мабдаи нур (Тадқиқ қилувчи, эски ўзбек ёзувидан нашрга тайёрловчи, луғат ва изоҳларни тузувчи Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ). –Т.: Фан, 1994.
4. Абдуллаев Исматулла . Мерос ва талқин. –Т.: Фан, 2008.
5. Исматуллоҳ Абдуллоҳ. «Мабдаи нур»га сўзбоши. «Мабдаи нур», Наманган.
6. Ҳасанхўжа Азизхўжа ўғли. «Мабдаи нур» ҳақида мақоласи.